



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 03.02.2022 г. № 010079/2

между Сирдарё вилоят Электр тармоклари корхонаси и Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси(центр) на общую сумму 3232350,00

Глава \_\_\_\_\_ 054  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 401322860244017072120054002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4221000			
Январь				
Февраль	3 232 350,00			3 232 350,00
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>3 232 350,00</b>			<b>3 232 350,00</b>

Всего 3232350,00 сум

Три миллиона двести тридцать две тысячи триста пятьдесят сум  
00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 3232350,00 сум или 100,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

(подпись)

Рюхина Татьяна Львовна

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Кулаев Эльнур Якубович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

Юридик шахслар учун электр таъминоти  
ШАРТНОМАСИ

20 22 йил "3" 2022

01004912 -сон

Гулиёра  
(шартнома тузилган манзил)

"Сирдарё ХЭТК" АЖнинг Гулиёра  
(Электр энергияси билан таъминловчи ташкилот номи)

(кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) нинг 40106  
асосида фаолият юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_ бир тарафдан ва

Гулиёра  
(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг 40106  
асосида фаолият юритувчи раҳбари Т. И. Раҳимов иккинчи тарафдан  
тизимдаги шахсий ҳисоб варақаси - \_\_\_\_\_  
мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. Шартнома предмети**

1.1. Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

**II. Етказиб берилган энергия ҳисоби**

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 2183 кВт.с., реактив \_\_\_\_\_ кВт.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи базавий тариф бўйича 450 сўмини ташкил этади.

2.3. "Истеъмолчи"га энергия ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ етказиб берилади.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўлашнинг лозим бўлган ҳақикий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олини асбобларнинг (кейинги ўринларда - ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловаси "Табiiий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиши керак бўлган Истеъмолчилар" учун етказиб берилган энергиясининг йиллик минимал ҳажми 2183 кВт.с.ни ташкил қилади.

**III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар таъминланган, бир ставкали ёки ўсиб боровчи коэффициентли тарифлар асосида амалга оширилади (тарх шакллантиришнинг алоҳида тартиби).

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан

мониялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

тигиз пайт – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф I-тариф гуруҳидаги “Истеъмолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган “Истеъмолчи”га энергияни реализация қилиш нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар ва ўсиб боровчи коэффициентни тўловлар асосида амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

“Истеъмолчи” энергия сарфи бўйича ҳисоботни “Корхона”га ҳар ойнинг “\_\_\_” санасигача чопар орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганида “Истеъмолчи” етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга киргач кундан бошлаб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. “Истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий миқдори хиймати учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб охиридан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдоринда пеня ҳисоблаб ёзилади;

3.7. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида “Қорхона” ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисобварағини ёзиб беради.

“Истеъмолчи”да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган ҳақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-илоvasидаги томонларнинг электр тармоқлари баланс мансубличилиги ва фойдаланиш бўйича маъмулликни тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варағини ёзиш учун муносиб равишда қўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилмаган ҳақдирда, “Қорхона” томонидан энергия истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолчининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади, бу ҳақда “Истеъмолчи”нинг ҳисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибда “Бюро” томонидан ёзиб олингандан кейин “Қорхона” томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истеъмолчи”нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китобни ва пеня бўйича қарзи бўлган ҳақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи”нинг шартномадан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўғрисида истеъмол қилинмаган ҳақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб беришмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифининг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда ҳар ой, я. ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар «Истеъмолчи» солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномани ҳажидан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли орқали, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштириш далолатнома асосида "Бюро" томонидан мажбурий ундирувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

"Бюро" талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш учун руҳсат этилмаганда;

ҳисоблагичлар қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминот лойихаси ва техник шартлари мавжуд бўлмаганда;

электр таъминот лойиха ва техник шартларга мос келмаганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. "Истеъмолчи"ни тармоқка қайта улаш, "Истеъмолчи" томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг амалга оширилади. (ЭХАНТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

#### IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ "Корхона" электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Корхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунча) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилгани оқибатда етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиши.

конун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўлатилганда зарарни қонанимни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзга келаётган тизимларни ҳал этганда учун судга ёки бўйсунуши бўйича юқори таъкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. “Истеъмолчи” қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақлаишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, “Корхона”га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланган энергия истеъмоли чеклаш жадвалини бажариш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга кўра кўчиб кетган тақдирда, у бу ҳақда электр таъминоти корхонасида ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭНХАТ (АИИСКУЭ) тизимини барқарор, доимий ишлаб туришини таъминлаш;

Энергетика тизимининг «Электр Ҳисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи» нинг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «SMS» орқали юборилган хабарнома, огоҳлантириш хатларига ўз вақтида муносабатларини билдириш ва зарурат ҳолда дархол туман (шахар) электр таъминоти корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электр Ҳисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи» нинг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктаси), шунингдек бошқа барча реквизитлари ўзгарган ҳолда «Истеъмолчи» дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камидан бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун (тегишли миқдори учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолда) электр таъминоти корхонасига буюртманома бериш;

“Бюро” ва “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондақарининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда “Бюро” ва (ёки) “Корхона”нинг тегишли вақтига ҳисобланмаларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишла тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланғичидан камда бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун "Қорхона"га буюртманома бериш;

келгусен йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинolari ва маъмурий бинolarни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган "Истеъмолчи":

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва "Қорхона"нинг талабига кўра хабар қилиши шарт.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Қорхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи" томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

шартнома, электр таъминот лойиҳаси ва техник шартлари мавжуд бўлмаганда, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда, электр таъминот лойиҳа ва техник шартларга мос келмаганда "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш зарурати бўлганда, "Истеъмолчи"ни огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеklang;

"Бюро" ёзма кўрсатмасига мувофиқ "Истеъмолчи"ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНҲАТга уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган "Истеъмолчи"ларни олдиндан тўлов тугатгандан сўнг ўчириш.

"Қорхона" қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Қорхона қуйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали "Истеъмолчи"га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

«Истеъмолчи»нинг ёзма талабномаси асосида электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан «Истеъмолчи»нинг хабарлашиш нуқталари орқали хабар бериш;

электр энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида «Истеъмолчи»нинг талабига биноан маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда «Истеъмолчи»нинг талабига биноан унинг хабарлашиш нуқталари орқали олдиндан хабар бериш;

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия узатишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклашлар киритиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида «Истеъмолчи»га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

«Истеъмолчи»нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, «Истеъмолчи»дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

«Истеъмолчи»га етказиб берилган энергия ҳисобини белгилашга тартибда олиб бориш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган таққиқларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда «Истеъмолчи»га хабар қилиш;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган ҳисоблагичларни алаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек «Бюро» билан бирга уларни яномбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

«Корхона» қонуқчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **V. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур. «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона»;

«Истеъмолчи» энергия истеъмолчининг белгиланган режимга риоя қилмаган, энергия истеъмолчининг шартномавий миқдоридан ошиб кетилишига йўл қўйган тақдирда, «Корхона» томонидан белгиланган энергия истеъмолчини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда наг сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги талаффуслар учун "Истеъмолчи" олдидан моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. "Истеъмолчи" "Бюро" ёзма кўрсатмасига мувофиқ ўчирилганда ёки енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлганда, "Корхона" "Истеъмолчи" олдидан жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси ўзи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чекланишлар киритилганда, «Электр қурилмалари тузилиши Қондалари»нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 – бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тўғри келмаган (лойиха талабларини бажармаганда) ҳолда истеъмолчилардан киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чиқадиган низолар олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади

## VI. Яқуний қондалар

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартнома мўддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажраимас қисми ҳисобланади.

Мазкур шартнома билан тартибга солилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа барча қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шартин билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.

Қўшимча шартлар:

---

---

---

---

---

---

**VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

“Истеъмолчи” \_\_\_\_\_ **ГШТБ**  
Юридик манзили \_\_\_\_\_ **Гулистон 6**  
Почта манзили \_\_\_\_\_ **4**  
Хисоб рақами \_\_\_\_\_ **401322860244012072180059002**  
Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) **200010494**

Республика ва маҳаллий бюджетдан мутавозинлириштирилган “Истеъмолчи” лар учун:

Бюджет фондининг хисоб рақами \_\_\_\_\_  
Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_  
Бюджетдан ташқари фондининг хисоб рақами \_\_\_\_\_  
Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_  
*(“Истеъмолчи” телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарият ушбу телефони курсетилади)*

Статистик кодлар:  
ОКЭД \_\_\_\_\_  
СОБГУ \_\_\_\_\_  
СОАТО \_\_\_\_\_  
КВ \_\_\_\_\_  
КС/Ф \_\_\_\_\_  
ОКПО \_\_\_\_\_

Қўчма:  
Почта манзили \_\_\_\_\_ **Гулистон 6 ШТБ**  
Хисоб рақами \_\_\_\_\_ **22636000300134817414**  
Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ **00855** (ИНН) **200324414**  
Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар:  
СОБГУ \_\_\_\_\_  
СОАТО \_\_\_\_\_

«Истеъмолчи» «Электр энергиясидан фойдаланиш қондақари» ва маъмур шартнома шартлари билан таъминотирилди ҳамда ушбу электр ва ёнги электр ва ёнги таъминотирилди юзасидан йўқ-йўриқлар берилди.

“Истеъмолчи”:

“Қорхона”:

\_\_\_\_\_ **М.У. илзо. мансаби, Ф.И.Ш.**

\_\_\_\_\_ **М.У. илзо. мансаби, Ф.И.Ш.**

**Юрист хулосаси:**

Мен, ушбу шартнома лойиҳасининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувин субъектларининг ҳуқуқий-шартномавий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонуни ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ушбу шартномада кўрсатилган муносабатлар юқоридаги қонуни ҳужжатлари билан шартнома солиниши, хўжалик шартномаси шартларининг, тарафларининг жавобгарлиги метёри на низоларни ҳал этиш тартиби қонуни ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини билдираман.

Шу сабабли ушбу шартнома лойиҳасининг нимзоласа булади деб ҳисоблайман.

«Қорхона» юристи: \_\_\_\_\_ (илзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш)

Этказиб берилган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт билан рухсат этилган қуввати : \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) \_\_\_\_\_
6. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалдаги) \_\_\_\_\_
7. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки усиб боровчи коэффициентли (керакингги ёзилган)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Йил, жами					
Январь	7183				
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Имзолар:

"Истеъмолчи":

  
(М.Ў. Имзо)

"Корхона":

(М.Ў. Имзо)

Энергия ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

“Истеъмолчи”нинг (судб “Истеъмолчи” нинг) ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлар, тури ва кучланish синфи (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисоблагич тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисоб- лагич номери	Ҳисоблагич клемма қолқоғидаги пломбанинг номери:		Удҷоа транс- форматор- ларнинг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Шартнома тузиши санасига ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с
			Қорхо- нанинг	Бюро- нинг	Ток	Кучла- ниши			

Имзолар:

“Истеъмолчи”:

  
(М.У. Имзо)

“Қорхона”:

  
(М.У. Имзо)



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси

ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансда куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари \_\_\_\_\_

б) кабель линиялари \_\_\_\_\_

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари \_\_\_\_\_

2. "Истеъмолчи" ва "Корхона" ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси:

\_\_\_\_\_ аниқланади.

3. Улардан куйидагиларга:

а) \_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_ "Истеъмолчи" билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

"Истеъмолчи"  
М.Ў.

(имзо)

Вакиллар:

"Корхона"  
М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланд бўйича мансублик чегарасида ўрнатилганда, электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш були билан аниқланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари бу:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизини, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади;

б) «Истеъмолчи»нинг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узушлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ фоизини

ташкил этади;

в) «Истеъмолчи»нинг хаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узушлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ фоизини

ташкил этади.

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади

Корхона бир кунда \_\_\_\_\_ соат, бир ойида \_\_\_\_\_ кун ишлайди.

Сменалар бўйича юклама таксимоти (фоиз ҳисобида) I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_

Имзолар:

“Истеъмолчи”:

(М.У. Имзо)

“Корхона”:

(М.У. Имзо)

**Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими**  
**1. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати**

Тур №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Ултинчи вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2	Дастики ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори				

**2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори**

Ойлар	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.с/ой)	Шу жумладан		Шу жумладан тариф гуруҳлари бўлиши:	Қувват коэффициенти қиймати		
		кагга юклама соатларида 6-00 дан 22-00 гача (кВАр.с.)	кичик юклама соатларида 22-00 дан 6-00 гача (кВАр.с.)		кагга юклама соатларида 6-00 дан 22-00 гача	кичик юклама соатларида 22-00 дан 6-00 гача	
		Соеф=	Соеф=		Соеф=	Соеф=	
Январь							
Февраль							
Март							
Апрель							
Май							
Июнь							
Июль							
Август							
Сентябрь							
Октябрь							
Ноябрь							
Декабрь							

Реактив энергиянинг иктисодий қиймати ҳар бир ҳисобот даври учун, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан кениб чиққан ҳолда аниқланади ва шартномада белгиланган тартибда ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иктисодий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда реактив энергия истеъмоли:

иктисодий қиймат доирасида бўлганида актив энергия учун амалдаги тарифнинг 5% миқдоридан;

иктисодий қийматдан ортиқ бўлганида актив энергия учун амалдаги тарифнинг 10% миқдоридан белгиланади.

Реактив энергия компенсацияси учун устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Имзолар:



Авариявий ва технологик бронни аннклаш бўйича

ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди \_\_\_\_\_

“Истеъмолчи”нинг вакили иштирокида \_\_\_\_\_ Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли кувват танқислиги юзага келганда “Истеъмолчи” қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроксиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Юклама кетида ўчирилиши сува таъминоти, алоқа воситалари ишнинг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнгинга қарши насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар таъин қилинган эмас. Ҳамму агрегатлар, керак бўлишига қараб, шундан “Корхона” билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

“Истеъмолчи”:

(М.У. Имзо)

Имзолар:

“Корхона”:


(М.У. Имзо)





**«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ**  
**«СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»**  
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

\_\_\_\_\_ **ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**  
**КОРХОНАСИ**



**ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН**  
**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ**  
**ШАРТНОМАСИ**

№ 010079/2

\_\_\_\_\_

*(корхона, ташиқлот номи)*